

ОЛИС КЕНГЛИКЛАРНИНГ ТОНГГИ НУРАФШОН

МАМЛАКАТИМИЗДА изчил давом эттирилаётган ислохотлар, бунёдкорлик сурури, тўю томошалар шуқудини Қорақалпоғистон заминидида ҳам кузатиш мумкин. Саҳронинг жазирама кўшида чиниққан қорақалпоқ халқининг фаровон ҳаётга бўлган интилиши, энг асосийси, она тупроғига бўлган чексиз меҳру муҳаббатидан ибрат олса арзигуликдир.



Овулимиз — қадриятлар бешиги

Қадим Тўртқўлдаги «Ўзбекистон» овулида 2886 та хўжалик мавжуд. Уларда 8271 нафар аёл яшайди. Овул хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Сайёра Абдуллаева фуқаролар йиғини раиси Собир Қўшчанов ҳамда йиғин диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шукуржон Абдуразақовлар овул хотин-қизлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, қадимий урф-одатлар ва миллий қадриятларимизни ёш авлодга етказишга бош-қош бўлиб келишмоқда.

Овул аёллари ҳар томонлама эътиборда, ижтимоий муҳофазада, — дейди С.Абдуллаева. — Айниқса, аёллар соғлиғи борасида жиддий шугулланамиз. Хусусан, Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив са-

ломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қатор ишларни амалга оширишмоқдамиз. Чунки соғлом бола соғлом онадан туғилади. Келажакимиз эгалари бўлган баркамол фарзанд эса фақат оилга эмас, жамиятга ҳам керак.

Дарҳақиқат, замонавий тилда жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктида касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ҳамда даволаш ишларини малакали шифокорлар олиб бормоқдалар. Тажрибали шифокор-гинеколог Сафаргул Сариева аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда овул мутасаддиларига яқиндан ёрдам бермоқда. Ниҳоқланувчи ёшларнинг тиббий қўриқдан ўтказилиши туфайли кўпгина салбий оқибатларнинг олди олинмоқда. Овулда ташкил этилган маънавий тадбирлардан тўғри хулоса чиқарган аёллар бугун



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиламан. Зеро барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билинтки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масалалар.

Ислом КАРИМОВ

билан таъминлашга ҳам ҳисса қўшди. Гулистон Дурдиева каби бир қанча хотин-қиз бу ерда ҳунар ўрганиб, уста тўқувчи бўлиб етиштишмоқда. Бугун уларнинг режалари аниқ, максаллари ойдин.

нинг уруш таассуротлари Ватанга садоқат, юрт қадри, халқимизга бўлган чексиз ҳурмат туйғулари кучайтирмоқда. — Аёлларимиз орасида соғлом турмуш тарзини яратишда спортнинг ўрни катта, — дейди Т.Қўшимбетова. — Шунинг ҳам билан оғлан ҳолда, спортчи қизимиз Саётхон Қурбонова бошчилигида аёллар учун волейбол машғулотларини ташкил қилганмиз. Овулнинг энг аёлларидан тузилган жамоамиз туман биринчиликларида фаво қатнашмоқда.

«Тозабоб»нинг гуллари

Дурдиевлар оиласи иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган эди. Маҳалла-қўй, овулдаги ёр-биродарлар омон бўлишин, бу оилани ёлғиз қолдиришмади. Бир кунини овул фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Анаргул Бабаева ва хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Тўхтагул Қўшимбетова оила бекаси Гулистонни чақириб шундай дейишди:



Юлдуз ХОЖИЕВА, «Mahalla» мухбири.



БАРҚАРОРЛИК ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

ЮРТИМИЗ мустақиллигини мустаҳкамлашнинг кафолати, шубҳасиз, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдан иборатдир. Истиқлолимизнинг ўн саккиз йиллик шодийнасини муносиб кутиб олиш ва уни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида Андижон вилояти ИИБ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси, хуқуқ-тартибот идоралари билан бир қаторда фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган «Маҳалла посбони» ҳамда «Чегара посбонлари» жамоат тузилмаларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мазкур тузилмалар сафларида жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, юксак инсоний фазилятларга эга бўлган кўп рақибларимиз жиноят содир этилишининг олдини олиш ва фуқароларнинг фаолигини ошириш борасида хуқуқ-тартибот идораларига кўнгилли равишда ёрдам бериб келаётир.

Бундан ташқари, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, чегара ҳудудларида жойлашган шаҳар, туман бўлимлари ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинлари қошида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони», шунингдек, «Чегара посбонлари» тузилмалари фаолиятини янада жонлантириш мақсадида чегара ҳудудларида жойлашган етимишган ошмақ маҳалла фуқаролар йиғинларида, жамоатчилик назорат масканларида тунги навбатчилик йўлга қўйилди.

бадавлат отахону онахонларнинг иштироки вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатларини камайтириш билан бирга, уларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлашларида омил бўлаётир.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ ТАДБИРКОРЛАР КЎМАГИДА

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҳамма жойларида бўлганидек, Пахтаобод туманида ҳам истиқлолдан кейин улкан ўзгаришлар юз берди. Юртбошимиз томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланган жорий йилда эса ободончилик ишлари кўлами янада кенгайди, суръати тезлашди. Ана шу жараёнда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари юрт ободлиги, халқ турмуши фаровонлиги йилида астойдил иш олиб боришмоқда.

— Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрамга Шовуғ ва Ёлғизбоб маҳалларида касб-ҳунар коллежлари, Шомат маҳалласида 990 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Пахтаобод тумани бўлимининг раиси Роҳилохон Абдураҳмонов. — Замонавий ўқув биноларининг қурилиши учун давлатимиз томонидан 6,5 миллиард сўм сарфланмоқда. Булардан ташқари, яна 3 та мактаб реконструкция қилинди, 6 таси мукамал таъмирдан чиқарилди. Тумандаги ички йўллари таъмирлаш учун салкам 200 миллион сўм ажратилган.

тар майдонга хитой услубида иссиқхоналар қурилмоқда. Улар қишда маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга, 50 га яқин ёшларни ўз бағрига олади. Ака-укалар томонидан қишлоқ марказида бунёд этиладиган гузарда замонавий савдо ва манший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушади.


Албатта, ободончиликни кенг кўламли олиб боришда маҳаллий тадбиркорларнинг ёрдами ҳам таянишмоқда. Учқўза қишлоғида истиқомат қилувчи фермер Акрамжон Мирзаев ака-укалари билан бирга бекор ётган бинони таъмирлаб, 120 нафар қиз-жувонни иш билан таъминлаш учун тикув-тўқув цехи ташкил этмоқда. 1 тек

Улкамизда, айниқса, Фарғона vodiysida етиштирилган ширин-шакар меваларнинг таърифи бутун дунёда маълум. Аммо пшшкчилик пайтида ҳосилни ёппасига истеъмолчиларга етказиб беришнинг иложи йўқ, Шунинг учун Магилсой соҳилида жойлашган «Хур ҳамроҳ» МЧЖ тадбиркорлари бобгон ва соҳибкорларга ёрдамга келдилар. Бу ерда иш бошлаган Россия технологиясига асосланган мева ва सबзотни қайта ишловчи кичик корхона билан тумандаги барча фермер хўжаликлари, шахсий тажорка эгалари шартнома тузганлар. «Пахтаобод ризқ» корхонаси чорва фермер хўжаликларида етиштирилган арзон гўшдан 3 турдаги қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Яқин орада маҳсулотлар тури 10 тага етказилади.

ХОТИРА

“Унутмас мени боғим...”

...Маърифатпарвар ўзбек зиёлилари халқ ва миллат тақдирини учун жон олиб, жон беришга тайёр турдилар. Боши узра қора булут қуюқлашгани сари улар маърифатпарварлик ғояларини тарғиб-ташвиқ этишни тўхтатмадилар.



© фото-Носир Хайдаров

Таъриқ, пўписа ва зулм кучаявергач, зиёлилар элнинг келажаги ва Ватан истиқболини ўйлаб, янада қаттиқроқ ташвишга тушдилар. Уларнинг сиёсий-ижтимоий қарашлари, элини озод қилиш ордуслари, энг қаттиқ дамларда ҳам рост сўзлашлари шўро тузуми тарафдорларига ёқмас эди.

си раиси, “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи директори, тарих фанлари доктори Бахтиёр Ҳасанов. — Утган давр мобайнида қатагон мавзусини илмий ўрганиш борасида амалга оширилган ишлар, янги топилган маълумотларни кенг ёритиш, тарихимизнинг фожиали саҳифалари ҳақидаги ҳақиқатни жамоатчиликка, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодга холис ва ҳаққоний етказиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлар биз учун дастуриламал бўлди.

жараёни акс эттириш. Иккинчи залида эса мустақиллик даврида мамлакатимизда тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш, шу жумладан, қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, миллий ўзлгимиз, қадриятларимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида олиб борилаётган ишларни кенг қўламада ёритиш. Қолаверса, музейга келадиган ҳар бир юртодошимизнинг қалби ва онига ватанпарварлик, ўз халқига ҳурмат ва эҳтиром туйғувини шакллантириш — экспозициянинг ғоявий асосини ташкил этади.

Совет ҳокимияти йилларида қирғин ва қатагон қилинган ватандошларимиз ҳаётини, уларнинг Ватан ва халқ озодлиги йўлида олиб борган фаолиятларини ўрганиш, умуман, Ўзбекистон тарихининг шу даврдаги номаълум саҳифаларини ёритиш жамғарма ва музей олдига турган энг муҳим вазифалардандир.

бур этгандилар. Шунингдек, экспозицияни ташкил қилиш учун керакли ашёвий база яратилди. Яъни тегишли архив ҳужжатлари, фотосуратлар, ашёвий буюмлар, китоблар, видеоматериаллар тўпланди.

Истиқлол шарафати билан улуг зотларнинг ушалмаган орзу-армонлари рўёбга чиқди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам мамлакатимизда тарихий адолат ва ҳақиқатни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам мамлакатимизда тарихий адолат ва ҳақиқатни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам мамлакатимизда тарихий адолат ва ҳақиқатни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди.

Музей учун қурилаётган бинонинг биринчи залида ва уни эски бино билан боғлайдиган галереяда чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олинган то мустақиллик даврига бўлган тарихий

“Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси ташкил топган вақтдан бери жамғарма фаоллари мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам мамлакатимизда тарихий адолат ва ҳақиқатни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди.

Музей учун қурилаётган бинонинг биринчи залида ва уни эски бино билан боғлайдиган галереяда чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олинган то мустақиллик даврига бўлган тарихий

Музей учун қурилаётган бинонинг биринчи залида ва уни эски бино билан боғлайдиган галереяда чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олинган то мустақиллик даврига бўлган тарихий

«Mahalla» жавоб беради

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИМИ?

Савол: — Мен ўқини тугатгач, бухгалтер бўлиб ишлаш учун тўқувчилик корхонасига ҳужжат топширгандим. Уч ой дастлабки синов муддати асосида ишга қабул қилиндим. Бироқ ҳозир соғлигим яхши эмаслиги боис корхонага боролмаяман. Айтинг-чи, дастлабки синов муддатини тўлиқ ўтаганим учун меҳнат шартномаси бекор қилинмайдими?

К.ЗОИРОВ

Уйчи тумани

Жавоб: — Дастлабки синов муддатини ўташ меҳнат шартномасида белгилаб қўйилади. Бундан кўзланган мақсад ҳодимнинг ишга лаёқатлилигини текшириб кўришдир. Агар меҳнат шартномасида дастлабки синов муддати кўрсатилмаган бўлса, ҳодим синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланади.

Ҳодимлар ва уч ишга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, олти ойгача муддатта ишга қабул қилинган ҳодимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов муддати белгиланмайдими.

Агар дастлабки синов муддати тугатилганда қандайдир меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақидир. Огоҳлантириш муддати пайтида ҳодим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги аризани қайтариб олиши мумкин. Иш бевуричи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқсиз бўлгандагина бекор қила олади.

Шунингдек, синов муддати уч ойдан ошиб кетмаслиги керак. Агар дастлабки синов муддати тугатилганда қандайдир меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақидир. Огоҳлантириш муддати пайтида ҳодим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги аризани қайтариб олиши мумкин. Иш бевуричи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқсиз бўлгандагина бекор қила олади.

Ашрафхон ЖАМОЛОВА, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги хусусий амалиёт билим шуғулланувчи нотариус.

СПОРТ

Ҳасанбойлик ёшларнинг қувончи чексиз. Энди улар спорт билан шуғулланишлари учун шаҳар марказига қатнашмайди. Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан Юнусобод туманидаги Ҳасанбой мавзисига Мустақилликнинг 18 йиллиги олдидан «Ёшлик» спорт мажмуаси тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шахмат. Тошкентда Мустақилликнинг 18 йиллигига бағишланган шахмат фестивали бўлиб ўтди. 100 нафардан ошди ёшлар иштирок этган мусобақаларнинг «А» гуруҳида тошкентлик Е.Вербова галаба қозонган бўлса, қолган совринли ўринлар З.Рафиқов ва Ш.Бадалларга насиб этди.

Енгил атлетика. Эстониянинг Таллин шаҳрида Bigbank Tallin 2009 халқаро турнири якуланиди. Мусобақаларнинг баландликка сакраш баҳсларида ўзбекистонлик Надежда Дўсанова 1 метру 88 сантиметр натижасини қайд этиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Таэквондо (ВТФ). Ж.Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган «Korean Open» халқаро турнирида дунёнинг 54 та мамлакатидан 1500 нафарга яқин спортчи иштирок этди. Ушбу мусобақада жаҳоннинг Пекин олимпиадаси иштирокчиси Акмал Эргашев барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди.

Бокс. Халқаро Ҳаваскор Боксчилар Ассоциацияси (АИВА) ўз тарихида илк бор жаҳон ҳаваскор боксчиларининг рейтингини эълон қилди. Ушбу рейтинг натижаларига кўра, ўзбекистонлик икки нафар боксчи — Баҳодир Султонов ва Элшод Расуловлар кучлилар сифида эътироф этилган.



МАТОНАТ

Тўйтепадан чиққан чемпион

Базан не-не қийинчиликларини енгиб, ўз мақсадида эришган одамларни кўрганимизда уларнинг матонатига тан берамиз, инсон иродасининг қудратини англаб етамиз. Хайдарали Турсунбоев ана шундай инсонлардан. У деҳқон фарзанди. Отаси Умарали ака бир умр далада ҳалол меҳнат қилди. Онаси Танзила опа эса, турмуш ўртоғига елкадош бўлди.

Футбол бўйича Ўзбекистон ноғирон-ампутантлар миллий терма жамоаси аъзоси, жаҳон чемпиони Хайдарали Турсунбоев 20 ёшида “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиб бўлди. Орадан бир йил ўтгач, фарзандли бўлиб қувончига қувонч қўшилди.

2007 йилнинг ноябрь ойи. Туркиянинг Анталия шаҳри. Бу ерда ноғирон ампутантлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Не бахти, унда мамлакатимиз терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Уйилар гуруҳларга бўлинган ҳолда бошланди. Футболчиларимиз дастлабки ўйини Бразилия терма жамоасига қарши ўтказди. Албатта, футбол энг ривожланган мамлакат жамоасига қарши майдонга тушиш ҳар қандай жамоа футболчилари қалбида ҳаяжон ва ҳалиқ уйғотиши табиий. Бизнинг футболчиларимиз ҳам аввалига майдонда чўчиброқ ҳаракат қилишди.

ишончли орттирди. Ўйин Ўзбекистон термасининг 3:2 ҳисобиди галабаси билан тугалди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан Юнусобод туманидаги Ҳасанбой мавзисига Мустақилликнинг 18 йиллиги олдидан «Ёшлик» спорт мажмуаси тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Хайдарали футбол машқларидан бўш вақтларида далада деҳқончилик билан шуғулланади. Биз уни қамиш чайлада учурдик. Кенг далада сазавот, полиз экинлари барқ уриб ўсяпти. Қовуннинг ёқими ҳили атрофини тугатди.

Хайдарали футбол машқларидан бўш вақтларида далада деҳқончилик билан шуғулланади. Биз уни қамиш чайлада учурдик. Кенг далада сазавот, полиз экинлари барқ уриб ўсяпти. Қовуннинг ёқими ҳили атрофини тугатди.

Хайдарали футбол машқларидан бўш вақтларида далада деҳқончилик билан шуғулланади. Биз уни қамиш чайлада учурдик. Кенг далада сазавот, полиз экинлари барқ уриб ўсяпти. Қовуннинг ёқими ҳили атрофини тугатди.



СУРАТДА: Футбол бўйича ноғиронлар терма жамоаси. Биринчи қатор (чагдан) Х.Турсунбоев.

